

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Босишга руҳсат этилди:
Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Д.Аманов, С.И.СиражиддиновТүртинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун
нолокал масала.....6**А.Оқбоев, Н.Муталлиев**Иккинчи тур бузиладиган гиперболик типдаги тенглама учун
силжишли масала.....14

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

Ғ.Юлдашев, В.Исақов, У.Мирзаев, Х.ШокироваГидроморф тупроқларнинг антропоген омиллар таъсирида
эволюцияси.....20

КИМЁ

И.Аскаров, Ҳ.Исақов, О.Абдуллоев, Ш.Тураҳонов

Анор пўстлоғи таркибидан галл кислотасини олиш усуслари.....25

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ТАРИХ

Лианг Юн, Н.Камбаров

Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари.....30

Ф.Шамукарамова

Катта Фарғона каналининг қурилишида археологик назоратнинг аҳамияти.....43

У.АбдуллаевФарғона водийси ҳалқларида анъанавий дағн ва таъзия
маросимлари.....51**Т.Турсунмуратов**Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан таълим соҳасида ҳамкорлигининг
айrim хусусиятлари.....56**А.Алоҳунов**

“Хўжа”лар тоифасининг келиб чиқиш тарихидан.....61

Р.АтакановФарғона водийси қорақалпоқлари замонавий кийимларидаги анъанавий
жихатлар.....66**Д.Исмоилова, Н.Бердиев**

Туркистанда суд тизими тарихидан.....72

Р.АқбаровИккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек миллий матбуотининг жангчиларни
ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли.....78**Д.Элова**Бухоро ҳаво флотини ташкил этиш тадбирлари ва самолётлар кириб
келиши тарихидан.....85**Э.Ғуломов**

Ўзбекистон Республикасида 1994 йилги Олий Мажлис сайловига тайёргарлик.....89

УДК: 94(575.1)

ТУРКИСТОНДА СУД ТИЗИМИ ТАРИХИДАН

ИЗ ИСТОРИИ СУДЕБНОЙ СИСТЕМЫ В ТУРКЕСТАНЕ

FROM THE HISTORY OF THE JUDICIAL SYSTEM IN TURKISTAN

Исмоилова Дилфузахон Абдузалиловна¹, Бердиев Нор Орзиевич²

¹Исмоилова Дилфузахон

Абдузалиловна

²Бердиев Нор Орзиевич

– НДКИ, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти, т.ф.н.

– НДКИ, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчи.

Аннотация

Мақолада Туркистан үлкасида суд тизими, унинг таркиби тузилиши, судларнинг турлари тўғрисида маълумот берилган. Суд тизимидағи лавозимлар соҳиблари (қозилар)нинг фаолияти, қозилик лавозимини эгаллаш учун қўйиладиган талаблар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Россия империяси томонидан үлка суд тизимининг ўрганилиши, унга нисбатан олиб борилган сиёсати, судлардаги ўзгаришлар ва уларга маҳаллий аҳолининг муносабати ёритилган.

Annotation

In article presented information about the judicial system of Turkistan, its structure, types of courts. There is information about the activities of public officilas (judges) in the judicial system, requirements for the position of a judge. It also covers the study of the regional judicial system of the Russian Empire, its policy towards it, changes in the courts and the attitude of the local population towards them.

Таянч сўз ва иборалар: Туркистан үлкаси, Россия империяси, судлар, қозилик судлари, қози, қозикалон, қози ул-куззот, қози ал-аскарӣ, қози раис, шариат.

Ключевые слова и выражения: Туркестанский край, область, Российская Империя, суды, казийские суды, казий, казикалон (старший судья), кази уль-куззот, кази аль-аскари, казикалон (судья-председатель), шариат.

Keywords and expressions: Turkestan region, Russian Empire, courts, Kazi courts, kazi, kazikalon (senior judge) kazi ul-kuzzot, kazi al-askari, kazikalon (judge-chairman), sharia.

Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Мамлакатимизда демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш йўлида ислоҳотлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бизга маълумки, мамлакатимизда суд тизими мавжуд З та ҳокимиятдан бири сифатида мустақил фаолият юритади. Суд

тизими ҳамма даврларда ҳам мустақил фаолият юритганми? Қўйида XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистан үлкасида мавжуд бўлган судлар ва судья (қози – И.Д.)лар фаолияти ва бу соҳадаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Мустақил хонликлар даврида суд ишлари билан қозихоналар шуғулланган. Туркистан суд ишларини тафтиш қилиш учун Петербургдан юборилган сенатор, граф К.К. Паленнинг кўрсатишича, XX аср бошларида қозихона 2 та хонадан иборат бўлган, бирида қозининг ўзи ва маслаҳатчилари (муфти, аълам),

ТАРИХ

иккинчисида эса хатчи (мирза) ўтирган. Қозихонада ҳамма гилам ва кигиз ёйилган ерда ўтирган [1]. Рус этнографи А. Шишовнинг кўрсатишича, маҳаллий аҳоли суд ишларини кўриш учун бирон-бир кун ёки вақт белгиланмаган. Қозихонага иши тушган кишилар эрта тонгдан то кун ботгунига қадар келаверган. Қозихонада ишловчилар ҳам бу пайтда ўзларига мурожаат қилувчиларни қабул қилишга тайёр бўлишар эди [2].

Мустабид ҳукумат суд соҳасида ҳам бир қатор ўзгаришларни амалга оширди. Қозилик суди мавжуд бўлишига қарамай, ўлкада яна уч хил кўринишдаги суд маҳкамалари ташкил этилди.

1. Фарғона, Еттисув, Самарқанд ва Сирдарё ўтроқ аҳолиси учун ташкил этилган судлар.

2. Шу вилоятларнинг кўчманчи аҳолиси учун ташкил этилган судлар.

3. Каспийорти вилоятининг маҳаллий аҳолиси учун ташкил этилган судлар.

Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли судлари бир-бирларидан фарқ қиласарди. Ўтроқ аҳолининг шариат асосида иш кўрувчи қози судлари ҳукм чиқаришда суд жараёнида аниқланган далилларга амал қилиб, умумий ва ўзгармас шариат нормалари асосида ҳукм чиқараради. Кўчманчи халқларнинг судлари эса нафақат давр ўтиши билан, балки жойларга қараб ҳам ўзгарувчан одатлар асосида суд қиласарди.

“Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” лойиҳасининг тушунтириш хатида “Комиссия Туркистон генерал-губернаторлиги вилоятларида судларнинг қандай асосда ташкил этилишини кўриб чиқаётганда жуда эҳтиёткорлик билан иш тутишга мажбур бўлган”. Комиссия ўзининг тутган йўлини қўйидагича тушунтиради: “Инглизларнинг Ҳиндистонда ўз қонунларини амалга оширишда муваффақиятсизликка учрашлари бунга яққол мисол бўла олади. Халқ қаҳрини ўзига қарши қўзғатган Англия, бир неча вақт давом этган курашлардан кейин ерли халқ талабларига ён беришга ва бир қанча чегараланишлар билан ерли халқ судини тузишга мажбур бўлди”.[3] Шунинг учун ҳам Россия империяси ҳукумати Туркистонда қози судларини сақлаб қолдиради. Бу даврда шариат қоидаларини қўллашда қози судларининг

хуқуқи чегараланмаган бўлса-да, жиноят ишларини кўриш хуқуқи борасида уларнинг ваколатлари чеклаб қўйилди.

Мустабид ҳукумат ўзбеклар яшайдиган шаҳар ва қишлоқларда қозилар судини, қирғиз ва қозоқ халқлари ўртасида эса бийлар судини ташкил қилди. Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомда бий ҳамда қози судларига халқ судлари номи берилди.[4] Мустамлакачи маъмурлар бу билан соҳта обрў орттироқчи бўлгандилар, лекин аҳоли ўртасида халқ суди деган ном эътибор қозонмади. Улар бу судларни аввалгидек қози ва бийлар суди деб аташда давом этди.

Ўлкада энг юқори обрўли диний лавозимлардан бири қозилик лавозими бўлиб, қозилик суди ўзбек давлатчилигида ислом давридан бошлаб ҳукм суриб келган. Қози сўзи “ҳал этувчи”, “ҳукм чиқарувчи” маъноларини англатади.[5] Хонликларда суд ишларини қозилар шариат асосида олиб боргандилар. Жумладан; Қўқон хонлигининг Тошкент беклигидаги 4 хил турдаги қозилар бўлган: а) қозикалон, б) қози ул-қузот, в) қози ал-аскарӣ, г) қози раис.

Қозикалон ҳам бошқа қозилар каби бевосита хон томонидан тайинланган. Қози бўлиш учун у шариатни яхши билиши шарт бўлган.[6] Қозилар қўлида инсонлар тақдиди ётганлиги сабабли давлат ҳукмдорлари бирор-бир кишини қозиликка тайинлашдан олдин унинг шахсий ҳаётини атрофлича ўрганганлар.[7]

Оддий қозилар қозикалонга бўйсунар эдилар. Бу бўйсуниш унинг буйруғини амалга оширишдан иборат бўлган.

Қози ул-қузот хон томонидан тайинланадиган мансаб эгаси бўлиб, қозикалоннинг ёрдамчиси тариқасида ишлаган, унинг томонидан топширилган айrim вазифаларни бажарган. Қозикалон вақтинча ўз жойида йўқлиги пайтида унинг ўрнини эгаллаб турган.[8]

Қози ал-аскарӣ бек томонидан тайинланадиган мансаб эгаси бўлиб, фақат беклик доирасида хизмат қилувчи аскарлар томонидан содир этилган жиноятларни текширас эди.

Қози раис деб қозилик қилувчи раисга айтилган. У ҳам бек томонидан тайинланган. Бу мансаб 2 вазифадан иборат: раис тариқасида қози миршаблик

вазифасини бажаради. Кўчаларда, бозорларда тартиб ўрнатарди. Диний маросимларнинг тўғри бажарилишини, кишиларнинг намоз ўқиши, рўза тутиши, шариат аҳкомларининг бажарилиши ва бошқа шу каби ишлар устидан назорат қиласади. Бундан ташқари раислар ёшлар тарбиясини, шаҳар дўконлари ва савдо расталарида, бозорларда савдонинг тўғри юритилишини назорат қилганлар.[9] Улар ёлғиз кўчага чиқкан аёлларни ҳам сўроқ қилишга ҳақли бўлганлар.[10] Юқоридагилардан ташқари суд ишларидан яна аълам ва муфтийлар ҳам иштирок этарди. Аълам муфтийлар бошлиғи ҳисобланиб, унинг вазифаси фатволардан келтириладиган шариат ривоятларини текширишдан иборат бўлган. Улар қозиларнинг маслаҳатчи ва ёрдамчилари ҳисобланган.

Муфтийлар – қозиларнинг ҳуқуқшунослари, шариат қонунларининг шарҳловчилари ҳисобланган. Муфтийлар маълум бир қозихонага бириктириб қўйилмасдан, кишиларнинг чақириши бўйича ишда қатнашганлар. Уларнинг асосий вазифалари шариат қоидалари тўғрисида маълумот бериш ва қўзғатилган даъвони қандай қоидаларга мувофиқ эмаслиги, тажрибада бундай ишлар қай тартибда ҳал этилиши ҳақида шаръий йўл кўрсатар, бу ривоятнома деб аталарди.

Мустамлакачилар бошқа дин уломолари каби қозиларнинг ҳам маҳаллий аҳоли орасидаги ижтимоий-иқтисодий мавқенини пасайтиришга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун турли хил тадбирлар қўллана бошланди. 1865 йил 6 августда “Туркистон вилоятларини идора қилиш ҳақида вақтингчалик Низом” қабул қилинди. Шу низомга асосан қозилар ҳалқ томонидан сайланиб, ҳарбий губернаторлар томонидан тасдиқланиши белгиланди.[11] 1867 йилдаги “Еттисув ва Сирдарё вилоятларини идора қилиш ҳақидаги Низом”да ҳам қозилар ва бийлар маҳаллий ҳалқ томонидан сайланиши ва улар ҳарбий губернаторлар томонидан тасдиқланиши жорий этилди.[12]

Қозилик тизимидағи бундай ўзгаришлар натижасида баъзи мансабпарат кишиларнинг сайловчиларга пора бериб қозиликка сайланишга

эришишга ва қозилик мансабининг бойлик орттиришнинг бир турига айлантиришга олиб кела бошлади. Порахўрлик йўли билан қози бўлиб олган кишилар сайловда сарф қилган пулини қайтиб олиш ва бойлик тўплаш мақсадида оддий ҳалқни талар эдилар.

1867 йилдаги низомнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, хон давридаги қозиларга ишларни кўришлари учун маълум бир ҳудуд белгилаб берилган. Кишилар ўзларининг ишончини оқлашга кўзи етган қозиларга мурожаат қилган бўлсалар, низомнинг №185 моддаси билан “Даволашувчилар ўз даволарини ҳал қилиш учун жавобгар яшайдиган ҳудуддаги қозига мурожаат қиласади”, деб белгилаб қўйилди. Унга кўра қозиларнинг ишларини кўриш ҳудудлари чегараланиб қўйилди, аҳоли ҳам ўзи истаган қозига мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Янги низомга кўра қозилар элликбошилар томонидан сайланар эди. Лекин бу сайлов ҳалқ сайлови деб аталарди. Номзодлар кўрсатиш ва сайлаш ҳукумат вакилларининг иштироки билан ўтарди. Бу сайлов устидан қўйилган ҳокимият назорати эди. Эндиликда қозилар мустабид ҳукумат вакиллари томонидан қўйиладиган бўлди. Натижада бу лавозимга аксарият ҳолларда адолатли кишилар эмас, балки тамагирлар тайинланадиган бўлди.

Порахўрлик қозилар судида жуда кенг равишда амалга кирган бир йўл бўлиб қолди. Ўша даврнинг илғор фикрли тарақкийпарварларидан бири М.Беҳбудий ҳам “Бир мулла ҳам қози ва ҳам мударрис ва ҳам оқсоқол бўлиб, талаба ва мурофаачи ва аҳоли ишларини сатқага учратди. Бошқа тарафга қарасанг, қози ва мударрислик учун истеъдодлиф бўлган уломалоларимиз оч юрадур”[13], деб очиқ айтади.

1886 йилда Александр II томонидан имзо чекилган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги янги низомда ҳам қозилик ва бийлар судларга алоҳида эътибор берилди.

Мустамлакачиларнинг аста-секин қозилик судларини умумий судларга айлантириб юбориш нияти ҳам йўқ эмас эди.

ТАРИХ

Россия империясининг қозилик судларига нисбатан олиб борган сиёсати натижасида қозилик мансаби юқори табақанинг бойиш манбаларидан бирига айланиб қола бошлади. Қозилар, бийлар бир ёқадан бош чиқарип, халқни талар, бор-йўғини шилиб олар, юқори табақа манфаатларини кўзлаб иш кўрарди. Нопок йўллар билан қози бўлиб олган шахслар кишиларга жабр-зулм ўтказарди. Улар ўзларининг олиб борган ишларига жавобгарликни бўйинларига олмаганлар. Масалан, Андикон қозиси Сайд Жалол 1881 йил Мақсуд Сўфиев исмли кишининг ишини кўриб чиқаётган пайтда жаҳли чиқиб, уни қамчи билан уриб дараҳтга осиб қўяди. Жароҳати туфайли Мақсуд Сўфиев вафот этади. Лекин қози ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди.[14]

Мен юзи қарони қозиликда кўп қўйманг,
Ажалсиз элни бўгиб, тиғсиз улус сўйманг,
Юзим қаросидан эл кўзини қаро айлаб,
Кўзимни ўйди бу ғам, эл кўзини кўп ўйманг.
Ўзимни куч била урдим, аловга куйдурдим,
Бу ўт ёлқини бирлан яна сизлар куйманг.[15]

Мирий каби адолатпеша, халқ манфаатларини ўйловчи қозилардан яна бири Исҳоқхон Ибрат эди. У қозилик мансабини ҳақиқатни, халқ манфаатини ҳимоя қилувчи масъулиятли мансаб, деб билган. Ибрат 1900 йилдан то ўлкада Россия империяси ҳукмронлиги тугатилгунига қадар Тўракўрғон ва Хонобод қишлоқларида қозилик лавозимида ишлаган. 1910 йилда ўлкада қозилик мансабларига сайлов ўтказилди. Ибрат шу муносабат билан ёзган мақолаларда ҳукуматнинг қонун-қоидалари натижасида шариат ҳукмлари ўз ишига нолойик одамлар қўлига топширилаётганлиги ҳақида ёzádi. Унинг "Туркистон вилояти газети"нинг 1910 йил 22 сонида босилиб чиқсан мақоласида бу ҳақда шундай дейилган. "Положениянинг (Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом-Д.И.) 223-бобида зикр қилинганки, эътибори бор, 7 кундан зиёд хибс қилинмаган, 30 сўмдан зиёд жарима тўламаган, ёши 25 дан паст эмас одам (қози) бўлар экан. Олим ё оми, ё аҳмоқ, ё нодон киши, ё шариат биладурган ва ёки низом биладурган демаган... Кўрасиз, кимларнинг қўлларига бу катта шариат ҳукмини топширадурлар. Фикр, андиша

Ўша даврда яшаб ижод қилган ўзбек шоирлари ижодида уламоларнинг адолатсизлиги кескин танқид этилиши бежиз эмас эди. Ўзбек шоирлари – Муқимийнинг "Доддоҳим", Завқийнинг "Воқеаи қози-и сайлов", Шавқийнинг "Аҳли риё", Очилди Мурод Мирийнинг "Ғазали дар эътироҳ" каби ҳажвий шеърлари шулар жумласидандир. Адолатсиз қозилар нафақат халқни, балки адолатпеша қозиларни ҳам ғазабга келтирганлар. Масалан, қозилик мансабида ишлаган шоир Очилди Мурод Мирий порахўр қозиларни танқид қилиб, улар фақат ўз манфаатларини ўйлашлари ҳақида куюниб ёzádi. Мирий ўз қозилик лавозимида ишлаб туриб, атрофидаги қозиларнинг нопок ишларидан куйганлигини қуидаги мисраларда акс эттирган:

қиладурган киши йўқ... положения бобига мувофиқ кимга шар кўп тушса, ани ёзар экан. На қилсунлар, бу хил қилсалар положенияга мувофиқ экан. Бефикр ўтсанг, эй дўст, муҳтожи нон ўлурсан".[16]

Кўриниб турибдик, ҳар қандай шароитда ҳам иймони бутун қозилар ва дин пешволари халқ орасида ўзларининг адолатпеша ва халқиллиги билан ўз нуфузини сақлаб қола олган. Халқ уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Масалан, Қўқонда 25 нафар қози эски қабристонлар бузилмаслигини сўраб, Туркистон генерал-губернаторлигига хат ёzádилар. Хатга жавобан ҳукумат маъмурлари қозиларнинг бир нечтасини лавозимдан четлатади. Воқеадан хабардор бўлган Қўқоннинг нуфузли кишилари қозиларни ҳимоя қилиб, ҳукуматга ўз норозиликларини билдирадилар ва ариза ёzádилар. Унда, жумладан, шундай дейилган эди "...Хонлар даврида қозилар шариат қонунларини билганликлари учун мукофотланган. Лекин ҳали халқ қозиларнинг сабабсиз лавозимлардан четлатилганиларини билмайди. Чунки улар ҳеч қачон шариатга зид иш қилмаганлар".[17]

Мустамлакачилар қозиларга нисбатан кўрган чоралари ҳақидаги воқеани эшитган қўйонлик кўпчилик кишилар ҳам қозиларни ҳимоя қилиб чиқа бошлайдилар. Воқеалар ривожланиб Қўйонда қўзғолон бўлиш хавфи туғилади. Ҳарбий губернатор А. К. Абрамов бошланиб кетиши мумкин бўлган қўзғолоннинг олдини олиш мақсадида қўзғолон кўтариладиган бўлса, қозилар Сибирга сургун қилинишини айтади. Аҳоли норозилигига қарамай, империя маъмурлари шикоятчилардан 10 кишини ва уларни ҳимоя қилган яна 8 кишини қамоққа олади. Аҳоли бундай вазиятда қозилар тақдирларига бефарқ тура олмайди, норозилик кучайиб, қўзғолон бошланиши даражасига келиб қолди. Қўзғолоннинг олдини олиш учун губернаторнинг қамоққа олингандарни озод этишдан бошқа чораси қолмайди. Кўриниб турибдики, ҳалқ агар ҳукуматга қарши қўзғолон кўтарса, унинг оқибатлари қандай бўлишини билгани ҳолда, дин уламоларига қарши босқинчилар ўтказаётган тазиيқа томошабин бўлиб тура олмаган. Улар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, уламоларни озод қилиш учун бош кўтарганлар.

Қозилик мансаби аслида бирор кишига умрбод берилмаган бўлса-да, кўп ҳолларда эл-юрт орасида машхур қозилар йиллар давомида ўз мансабини эгаллаб туришга муваффақ бўлганлар. Қозилик лавозими баъзан отадан ўғилга мерос тариқасида ўғилнинг иқтидорига қараб юклатилган. Шундай қозилардан бири Тошкент шахри қозикалони Ҳакимхўжа ва унинг ўғли Муҳиддинхўжа бўлиб, Ҳакимхўжанинг Тошкентда обрў-этибори жуда катта бўлган.[18] Тошкент Россия империяси томонидан босиб олинганида, қозикалон кўпгина қозилар, дин уламолари ва амалдорлар билан бирга Тошкент шахри тақдирини ҳал этиш хусусида М. Г. Черняев билан музокара олиб боради. Тошкентнинг муваққат губернатори Ф.И. Романовский билан Ҳакимхўжа ўртасидаги бўлган тўқнашувда Ф.И. Романовский Ҳакимхўжанинг обрўсини тўкиш учун қилган дағағаларига қозининг айтган жавоблари унинг нақадар адолатпеша ва қатъиятли эканлигини кўрсатади. Қозикалон

Ф.И.Романовскийга ҳамма нарса Оллоҳнинг иродаси билан боғлиқ эканлиги, Оллоҳ истамаса, уни ҳеч ким ҳеч нарса қила олмаслиги ва агар Оллоҳ Ҳакимхўжага жазо беришни истаса, уни бу жазодан ҳеч ким қутқара олмаслигини, шунинг учун Ф.И. Романовскийнинг кўрқитиши Ҳакимхўжани шариат йўлидан тойдира олмаслигини айтади.[19]

Қозикалоннинг шариат йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслигини кўрган Ф. И. Романовский, агар қозикалонга бирор-бир ёмонлик қилса, аҳолининг кучли норозилигига дуч келиши мумкинлигини тушуниб етади ва қозикалон билан муроса қилиш йўлига ўтди.

Ҳакимхўжанинг таърифини эшитган фон Кауфман ҳам Тошкентга келган дастлабки кунлардаёқ уни зиёрат қилиб, давлат ишларида қозикалондан унга маслаҳат бериб туришини сўрайди. Албатта, фон Кауфманга қозикалоннинг маслаҳатлари керак эмас, бу, унинг қозикалон билан умумий тил топиши учун ўзига хос маккорона сиёсатнинг бир кўриниши эди, холос. Шундай бўлса-да, К.П. фон Кауфман Ҳакимхўжага “Худодан бошқа ҳеч кимдан кўрқмайдиган ажойиб инсон эди” [20], деб таъриф берган.

Дин уламоларининг аксарият қисми мустабид ҳукуматга чин кўнгилдан хизмат қилмас, уларга фақат иложининг йўқлиги сабабли итоат қилиб турганликларини ҳукумат маъмурлари жуда яхши билар эди. Шу сабабли мустамлакачилар турли баҳоналар билан ўлқадаги диний бошқарув тизимини қисқартиришга интилганлар. Бундай лавозимлардан бири қозикалонлик бўлса, иккинчиси шайх ул-ислом лавозими эди [21].

Россия империяси Тошкентни босиб олгандан сўнг қозикалонлик лавозими сақланиб турди. Диний лавозимларга қозикалон тайинлаши, генерал М.Г.Черняев эса уни тасдиқлаши лозим эди [22]. Лекин бу губернаторликдаги баъзи амалдорларга ёқмайди. Масалан, Н.П.Остроумов генерал М.Г.Черняевни қозикалонга кўп имтиёзлар бериб юборган, деб ҳисоблар эди [23].

ТАРИХ

Үлкага фон Кауфман келганидан сўнг турли баҳоналар билан Ҳакимхўжани қозикалонлик лавозимидан олиб ташлаб, ўрнига ҳеч ким тайинланмади. Шу тариқа Тошкентда қозикалонлик лавозими тугатилди.

Самарқанд шаҳри қозикалонига ҳам Самарқанд босиб олинган дастлабки вақтда фон Кауфман томонидан кумуш медаль берилди ва ўз лавозимида қолдирилди. Кейинроқ, унинг устидан ҳукуматга кўплаб аризалар тушаётганилиги баҳонаси билан у ҳам вазифасидан озод этилди.[24] Унинг ўрнига эса ҳеч ким тайинланмади.

Туркистоннинг иирик шаҳарларидан бири бўлган Қўқон шаҳрининг қозикалони ҳам ўзига хос тарздаги баҳона билан лавозимидан четлатди. Қўқон шаҳри мустамлакачилар томонидан босиб олиниши билан қозикалон ва шайх ул-ислом генерал М.Д. Скобелевга ҳурматсизлик қиласанлиги баҳонаси билан қамоқча олинди ва Хўжандга юборилди. Бу ҳақда генерал фон Кауфманга хабар қилинганида, ундан “Қўқон қозикалони ва шайх ул-исломи қаттиқ жазолансин, уларнинг ўрнига ҳеч кимни тайинламасдан бу лавозимлар бутунлай тугатилса яхши бўларди”[25], деган жавоб олинди.

Шундан сўнг, Қўқон қозикалони ва шайх ул-исломи Насриддинхон, Абдураҳмон Офтобачи ва яна Қўқондаги 9 та нуфузли кишилар билан Россиянинг Европа қисмига сургун қилиндилар.[26]

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири – XX аср бошида Туркистон ўлкасида қозилик судлари чор ҳукумати маъмуриятчилиги шароитида жамиятда ўз нуфузини туширмади. Чор маъмурияти қанчалик империя судларининг “адолатли ҳукмларини” чиқариб, маҳаллий судлардан афзаллигини намойиш қилишга уринса-да, аммо халқ учун қозилик судлари ҳуқуқий таянч манбаи бўлиб қолаверди. Совет ҳукумати ўрнатилгач, қозилик судлари бутунлай тугатилди.

Адабиётлар:

1. Пален К.К. Народные суды Туркестанского края. – Т., Б.и., 1909.
2. ЎзР МДА, 125-фонд, 1-рўйхат, 760-иш.
3. Пояснительная записка к проекту Положения об управлении в области Туркестанского генерал-губернаторства. – СПб.: Военная Типография, 1874.
4. Положения об управлении Туркестанского края. С изменениями и дополнениями по 1^{ое}- января 1901 года. Гл. 3. Т.: Типо-литография, 1901.
5. Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим... -Т., 1985.
6. Отчет Туркестанского края проведенная ревизии по выс. пов. Сен. Гофсейстером графом К.К. Паленом. Народные суды Туркестанского края. – Т., 1909.
7. Лъкошин. Поль жизни в Туркестане ...
8. Бакиров Ф. Чор Туркистонда суд, шариат ва одат. Т.: Фан. 1967.
9. Положение об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. –СПб.: Военная типография. 1874. Гл.III..
10. Положение об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. –СПб.: Военная типография. 1874. Гл.III.
11. Бехбудий М. Бизга ислоҳ керак. //Нажот. 1017, 17 апрель.
12. ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 603-иш, 1-в.
13. Мирий. Танланган асарлар. –Т.: Бадиий адабиёт. 1965.
14. Туркисон вилоятининг газети. – 1910. -21 март.
15. ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 332-иш, 22-в.
16. Юсупов Х. Ҳуфия қатламлар. –Т.: Маънавият.2000.
17. Юсупов Х. Ҳуфия қатламлар. –Т.: Маънавият.2000.
18. Бартольд В.В. Сочинения. –Т., 1960. –T.II.
19. ЎзР МДА, 450-фонд, 1-рўйхат, 16-иш, 30-31 в.
20. Бартольд В.В. Туземцы раньше и теперь. // Сочинения. 1960. –T.II.
21. Бартольд В.В. Туземцы и русская власть.
22. Бартольд В.В. Туземцы и русская власть.
23. Кауфманский сборник. Изданный в память 25 лет истекших со дня смерти покорителя и устроителя Туркестанского края генерал адъютанта К.П. Фон Кауфмана 1-го. _Т., Типо-литография товарища И.Н. Кушнерева и К., -М., 1910. – С. LXL.
24. Кауфманский сборник. Изданный в память 25 лет истекших со дня смерти покорителя и устроителя Туркестанского края генерал адъютанта К.П. Фон Кауфмана 1-го. _Т., Типо-литография товарища И.Н. Кушнерева и К., -М., 1910. – С. LXL.

(Такризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)